

## Мақкада хайрия ифторлигига рухсат берилди



08:06 / 21.03.2021 2000

Рамазоннинг хайрия ва бирдамлик руҳига мувофиқ, Мақкадаги мусулмонлар муборак ойнинг энг қадрли, хайрли ишларидан бирини янгилашлари мумкин. Бу йил муқаддас шаҳар маъмурлари коронавирус пандемияси туфайли аввал тақиқланган хайрия ифторларига рухсат беришга қарор қилишди.

Анъанага кўра, Рамазон ойида ҳамма рўздорлар озиқ-овқат билан таъминландилар. Одатда, хурмо, ичимликлар ва иссиқ овқат тарқатилади ва масжидларга, муҳтожларга тақсимланади. Бу йил махсус ҳолда ўралган озиқ-овқат ва сувни тарқатишга рухсат берилади. Муҳтожларга ёрдам бериш учун ушбу хайрияда иштирок этишни истаганлар олдиндан муурожаат қилишлари керак.

Маккада туғилиб ўсган Муҳаммад ад-Досарининг таъкидлашича, унинг оиласи азалдан хайрия ифторлигини уюштиришда қатнашган.

«Ўтган йилги Рамазон ҳаммамизга қийин бўлди, чунки биз жамоатимизга ёрдам бериш ва масжид меҳмонларини кутиб олиш имкониятидан маҳрум бўлдик», дейди у.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***